

---

## Наврўз байрамига бағишланган тадбир ўтказилди

Риштон туманидаги Чубурғон МФЙда Ёшлар ишлари агентлиги Риштон туман бўлими томонидан “Ассалом Наврўз-янгилиниш, меҳр оқибат ва қадр қиммат айёми!” деган бош ғоя асосида “Қадрият урф одат анъана ва ёшлар” сайли ташкил этилди. Ўтказилган тадбирда Риштон туман ҳокими ўринбосари З.Умаров, туман Ички ишлар бўлими бошлиғи З.Ғофуров, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Д.Раҳимов ҳамда туман маданият бўлими, туман ахборот кутубхона маркази ходимлари иштирок этишди. Тадбирда ёшлар ўртасида “Арқон тортиш”, “Тош кутариш”, “Ош танлови”, “Миллий либослар кўرғазмаси”, “Ёш китобхон”, “Заковат” ўйини, спортнинг волейбол, шахмат-шашка, турникка тортиниш, стол тенниси, “Хар бир кунинг Наврўз бўлсин” мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Ўтказилган тадбирда фаол иштирок этган ёшларга Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан диплом ва совғалар топширилди.

2022-03-16 10:51:21